

---

## Кураш бўйича прокурор кубоги ўтказилди.

Қува туманидаги 2-сектор ҳудудида “Қува тумани прокурори кубоги” учун кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш мақсадида 27-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган мусобақада сектор ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 70 нафардан ортиқ курашчи ёшлари иштирок этди.

Қува туман прокуратураси, жисмоний тарбия ва спорт бўлими ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди.

Мусобақа якунида ғолиблар туман прокурорининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

2022-04-04 20:26:32